

“Ангрен эркин индустриал зонаси ҳудудида резина маҳсулотлари заводи қурилишини ташкил этиш” лойиҳаси

<https://uzkimyosanoat.uz/uz/activities/external-debt/brz>

Лойиҳани асоси: Лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 4 декабрдаги «Ангрен эркин иқтисодий саноат ҳудудида резинотехника маҳсулотларни ишлаб чиқариш заводини қуришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-2269 сонли ва 2015 йил 28 августдаги «Ангрен МИЗ ҳудудида конвейер ленталар, қишлоқ хўжалиги ва автомобиль шиналари ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича инвестиция лойиҳасини амалга ошириш тўғрисида» ги ПҚ-2397 сонли қарорларига мувофиқ амалга оширилди.

Лойиҳанинг мақсади: Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги ва автомобиль шиналари, конвейер ленталари ишлаб чиқарилишини ташкил этиш ва шунинг асосида республиканинг юқори технологияли саноат корхоналарини рақобатбардош маҳсулотлар билан таъминлаш ишлаб чиқаришини барпо этиш.

Лойиҳани қуввати: **100 минг погон метр** конвейер ленталари, **200 минг дона** қишлоқ хўжалиги шиналари ва **3 000 минг дона** автомобиль шиналари ишлаб чиқариш.

Лойиҳани амалга оширишдан эришилган натижалар: Лойиҳани амалга ошириш натижасида **30,4 млн. долл.** миқдоридаги шундан – **3,0 млн. долл.** экспортга ва импорт ўрнини босувчи **27,4 млн. долл.** маҳсулот ишлаб чиқарилади. Жамиятда ишлаб чиқарилаётган автомобиль шиналари (ўртача нархи - **25 долл.** экв.) сифат кўрсаткичлари бўйича Корея Республикасидан импорт қилинаётган маҳсулотлар (ўртача нархи – **40-45 долл.** экв.) билан бир хил даражада бўлиб нарх жиҳатидан уларга нисбатан арзон ҳамда Хитой мамлакатидан импорт қилинаётган сифат даражаси паст бўлган маҳсулотлар билан бир хил нархда реализация қилинмоқда.

Яратиладиган янги иш ўрни – 1100 та.

Лойиҳа қиймати: 214 млн. долл.

Молиялаштириш манбалари: Хитойнинг Эксимбанки кредити – **156,37 млн. долл.**, таъсисчиларнинг ўз маблағлари – **30,0 млн. долл.**, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси кредити – **27,6 млн. долл.**

Бугунги кундаги хорижий валютадаги қарздорлик миқдори: 145,6 млн. долл.

Лойиҳа ишга туширилган сана: 2018 йил август.

Жойлаштириш жойи: Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри

Бош пудратчи: Хитойнинг “Poly Technologies Inc.” компанияси.